

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИСЛАМОВА МАЛИКА САНЖАРОВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИГА МАНСУБ ШАХСЛАРДА СЕМИЗЛИКНИ
СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ АВЖ ОЛИШИДАГИ
ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 616-056.52: 616.61 - 036.12-036

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Исламова Малика Санжаровна

Ўзбек популяциясига мансуб шахсларда семизликни сурункали
буйрак касаллиги авж олишидаги прогностик аҳамияти..... 3

Исламова Малика Санжаровна

Прогностическое значение ожирения в прогрессировании
хронической болезни почек у лиц узбекской популяции..... 29

Islamova Malika Sanjarovna

Prognostic value of obesity in the progression of chronic kidney
disease in the Uzbek population..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИСЛАМОВА МАЛИКА САНЖАРОВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИГА МАНСУБ ШАХСЛАРДА СЕМИЗЛИКНИ
СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ АВЖ ОЛИШИДАГИ
ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1877 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабилов Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвосикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги йилларда жамиятнинг энг муҳим муаммоларидан бири бу "цивилизация касалликлари" кўпайишининг давом этиши: бу атеросклероз, семизлик, қандли диабет (ҚД) ва уларнинг асоратлари билан боғлиқ юқори ўлимдир. Шу муносабат билан профилактик тиббиёт стратегияси замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг марказида туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, "...семизлик ва ортиқча тана вазн ХХІ асрнинг юқумли бўлмаган эпидемияси сифатида тан олинган..."¹. Семизлик эпидемиясининг тарқалиши аҳолининг барча ёш гуруҳларида кузатилади ва турли аъзоларнинг, шу жумладан буйрақларнинг зарарланиши билан тавсифланади. Буйрақлар, юрак-қон томир тизими каби, семизликда ҳам энг заиф биринчи ва асосий нишон аъзолардан бири ҳисобланади. Чунки танадаги ёғларнинг ортиб боришида метаболизм коррекциясини биринчи бўлиб ўз зиммаларига оладилар. Шунинг учун танасида ортиқча ёғ тўпланишлардан мойиллиги бўлган беморлар, ҚД, артериал гипертензия (АГ) ва бошқа коморбид касалликларнинг мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, сурункали буйрак касаллиги (СБК) ривожланиш хавфи жуда юқори бўлган гуруҳ сифатида кўриб чиқилиши керак.

Жаҳонда бир қатор илмий кузатувларда, шу жумладан Фрамингем тадқиқотида семизлик сабабли буйрак шикастланиши билан оғриган беморларнинг кўпайиши қайд этилган. Унда параллел равишда семиришнинг ортиши билан СБК нинг ҳар бир босқичи ўртача 50% га ошади. Шундай қилиб, тана вазни индексининг (ТВИ) 10% га ошиши коптокча филтрация тезлигининг (КФТ) доимий пасайиш эҳтимолини 1,27 мартага кўпайтиради. Буйрак дисфункциясида ўрганилаётган кўрсаткичлар - семиришнинг метаболик таркибий қисми ва адипоцитлар фаоллиги кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўргатиш алоҳида илмий аҳамият уйғотади. Семизлик, артериал гипертензия, инсулин резистентлик, яллиғланиш реакциялари ва буйрақларнинг шикастланиши ўртасидаги боғлиқликни вужудга келтирган адипоцитокинлар орасида лептин, адипонектин, резистин, висфатин жуда муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимиз олдида тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозаларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, "...тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва диспансерларнинг самарали моделларини яратиш орқали касалликларнинг олдини олиш..." каби вазифалар турибди². Ушбу вазифалар тиббий ёрдам сифатининг янги даражага кўтариш ва ҚДнинг дастлабки

¹ ЖССТ Ахборотномаси, 2018 йил, 96-сон, № 6. Б. 369-440

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармони

босқичларида семизлик билан оғриган беморларни аниқлаш ва ихтисослаштирилган муассасалар билан давомий механизмлари ишини яхшилаш имконини беради, бу эса Ўзбекистон аҳолисига жаҳон андозалари даражасида ихтисослаштирилган нефрологик тиббий ёрдам кўрсатишда миллий тиббиёт даражасини сифат жиҳатидан яхшилаш учун ҳақиқий имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мулжалланган янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси” фармонлари, 2018-йил 12-июлдаги ПҚ-3846-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018-йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қабул қилинган фармонларида белгиланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Семизлик аҳоли орасида юқори даражада тарқалиши сабабли жиддий тиббий ва ижтимоий муаммодир (Драпкина О.М. 2016, Муромцева Г.А. 2014). Адабиётлар таҳлиliga кўра, тана вазни ортиқча беморларда АГ ва СБК бирга келиши кўп учраши кўрсатилган. Жаҳонда семириш кенг тарқалганлигига қарамай, унда буйракларнинг клиник давргача зарарланиши белгилари унинг гормонал таркибий қисмларини акс эттирувчи кўрсаткичлар билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар жуда кам. Бу муаммо беморларда узоқ вақт давомида яширин буйрак дисфункцияси мавжудлиги билан янада мураккаблашади. Бу ҳолат ўнлаб йиллар давом этиб, аста-секин оғирлашади ва сурункали буйрак етишмовчилиги ва буйрак фаолияти декомпенсациясининг клиник белгилари билан намоён бўладиган аниқ патологияга айланади.

Сенаторова А.С. (2013 йил) ва бошқа катор муаллифларни тадқиқотлари асосан юрак-қон томир касалликлари ва диабет билан оғриган беморларда семизликнинг буйрак функцияси бузилишининг ривожланишига қўшган ҳиссасини ўрганишга бағишланган. Аммо шу билан бирга, бугунги кунда семизликнинг буйрак касалликлари ривожланишига қўшган ҳиссаси бўйича умумий консенсусга қилинмаган. Семириб кетишни ташхислаш, олдини олиш ва даволаш бўйича кўплаб дастурларга қарамай, вазн йўқотиш ва энг муҳими тана вазнини сақлаб қолишда эришилган ютуқлар ҳали қониқарли эмас.

30 мингдан ортиқ кишини ўз ичига олган 11 та тадқиқотнинг мета-таҳлилида семизликнинг СБК ривожланишига инкор этиб бўлмайдиган

ҳиссаси кўрсатилган (КФТнинг мл / мин / $1,73 \text{ м}^2 < 60$ пасайиши ва микроальбуминурия (МАУ) ривожланиши). Ушбу тадқиқотлардан бири REGARDS бўлиб, унда СБК билан оғриган беморларда ТВИ ҳамда бел айланасининг ошиши СБК ривожланиши ва барча сабабларга кўра ўлимнинг асосий башоратчиларидан бири эканлигини кўрсатилган.

Бутун дунёда ва бизнинг мамлакатимизда ҳам СБК ва семиришни эрта ташхислашнинг катта муаммоси уни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шифокорлари томонидан аниқлашнинг самарасизлиги ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотчиларимиз ушбу муаммони ўрганишмоқда, улар орасида Б.Т. Даминов, У.Қ.Қаюмов, Ш.С.Абдуллаев, М.М.Каримов, Д.А.Егамбердийев, А.Л.Аляви ва бошқаларнинг иши алоҳида аҳамиятга эга. Семизликка боғлиқ сурункали буйрак касалликларини ўз вақтида аниқлаш стратегияси нафақат терапевтик ва профилактик чора-тадбирлар, балки уларни эрта ташхислаш тадбирлари мажмуасидир. Касалликнинг ривожланишини секинлаштириш, СБК олдинги босқичларини узайтириш беморларнинг ногиронлиги ва ўлимни камайтиришга ёрдам беради. Касалликни башорат қилиш босқичларида СБК ривожланишини олдини олиш ва даволашни эрта бошлаш имкониятини яратади. Адабиётлар таҳлиliga кўра, семизлик ва унинг касалликларини эрта ташхислаш, шунингдек, СБК диализгача бўлган даврининг ривожланиши узайтирилиши учун соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида тадқиқотлар ўтказиш зарур деган хулосага келиш мумкин.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг (№01980006703) “Буйрак касалликларида функционал ва метаболик касалликларнинг клиник ва патогенетик жиҳатлари” мавзуси доирасида бажарилган (2021-2022 й.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон аҳолисида сурункали буйрак касаллигининг ривожланишида семизликни башоратли аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон аҳолисида сурункали буйрак касаллиги аниқланган ва аниқламаган семиз беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш;

Ўзбекистон аҳолиси орасида сурункали буйрак касаллиги аниқланган ва аниқламаган семиз беморларнинг антропометрик кўрсаткичларни ўрганиш;

Ўзбекистон аҳолисида семизлик ва сурункали буйрак касаллиги маркерлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;

ўзбек миллатига мансуб сурункали буйрак касаллиги бўлган ва бўлмаган семиз беморларда нефропатиянинг генеалогик кўрсаткичларини тавсифлаш;

олинган натижаларга асосланиб, семиз беморларда нефропатия ривожланишини башорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2022 йилларда ТТА кўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли

марказий клиник-диагностика поликлиникасида амбулатор ва стационар равишда даволанган 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган 110 семиз одамлар ва 20 соғлом кўнгилли шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида буйракларнинг функционал ҳолатининг кўрсаткичлари: мочевина, креатинин, КФТ; гормонал ҳолат кўрсаткичлари: лептин ва инсулин; сўров натижалари, беморларнинг насл-насаби, веноз ва капилляр қон, сийдик, буйрак ултратовуш текшируви натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: диссертация ишида анамнестик сўровнома, наслчилик генеалогик таҳлили, тадқиқотнинг лаборатория, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буйрак шикастланишида антропометрик ўлчовлар кўрсаткичлари - ТВИ, бел, сон айланаси, ёғ тўқимасининг фоизи, висцерал семизлик индекси, микроалбуминурия ва зардобдаги лептин даражаси каби маркерларнинг хусусиятлари ҳамда уларнинг семиришдаги прогностик аҳамияти исботланган;

лептин ва инсулин гормонларининг гормонал фаоллигининг буйрак дисфункцияси маркерлари - креатинин, мочевина ва коптокча фильтрация тезлиги даражаси билан боғлиқлиги асосланган.

СБКни башорат қилиш учун хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида семизлик ва буйрак патологияси билан касалланишнинг генеалогик таҳлил усулини қўллаш мумкинлиги асосланган;

лептин ва висцерал семизлик кўрсаткичлари ортиши билан сурункали буйрак касаллиги оғирлик даражисини белгиловчи коптокчалар фильтрация тезлиги миқдори пасайиши аниеланган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

семизлик билан оғриган бемор орасидан СБК ривожланиши ва авж олиши хавфи юқори бўлганларни аниқлаш учун антропометрик кўрсаткичлар ва лептин, инсулин ҳамда МАУ кўрсаткичларини аниқлашнинг амалий аҳамияти исботланган;

семизлик билан оғриган беморларнинг оилаларида буйрак касалликлари ва СБК билан оғриган беморларни аниқлаш учун соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида насл-насабнинг генеалогик таҳлилини ўтказиш амалий аҳамияти асосланган;

лептиннинг семиз беморларда СБКни эрта ташхислаш ва авж олиши учун асосий хавф омили сифатида башоратли аҳамияти аниқланган;

олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган, семизлик билан оғриган беморларда СБК эрта босқичида аниқлаш, ушбу касалликни ва асоратларини ривожланишининг олдини олишга имкон берадиган “Ўзбекистон аҳолисининг сурункали буйрак касаллиги ривожланишида семиришнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш бўйича компьютер дастури”дан соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида фойдаланишнинг амалий аҳамияти исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланиладиган замонавий тадқиқот усуллари: клиник, лаборатор-асбобий ва статистик усуллар,

кузатилган беморларнинг етарли сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳиссаларга мувофиқлиги, олинган натижаларни хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижаларни тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, барча даражадаги амалиёт шифокорлари учун “Ўзбекистон аҳолисида сурункали буйрак касаллиги ривожланишида семиришнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш бўйича компютер дастури” ишлаб чиқилган. Бу СБКни башорат қилиш хавфи юқори бўлган семиз беморлар гуруҳини аниқлашга имкон беради. Семизлик билан оғриган беморларни скрининг пайтида СБКни дастлабки босқичларда аниқлаш учун сийдикда албуминурия ва қондаги креатинин миқдорини аниқлаш ва эрта ташхислаш ҳамда уни ривожланишининг олдини олиш учун лептинни аниқлаш, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида генеалогик таҳлил ўтказиш зарурлиги билан асосланади. Ушбу тадқиқот ишида семиз беморларда СБК ривожланишининг хавф омиллари сифатида эркак жинси, тана вазни ва висцерал семизлик индекси, лептин, инсулин ҳамда инсулин резистентлиги индекси эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда СБК ривожланиши ва авж олиши учун юқори хавф остида бўлган семиз беморларни ўз вақтида назорат қилиш учун хавф омилларини аниқлаш зарурияти катта аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида насл-насабни генеалогик таҳлил қилиш, семизлик билан оғриган оилаларда буйрак касалликлари ва СБК ҳамда буйрак функцияси бузилишининг дастлабки босқичида семизлик билан касалланган беморларни аниқлаш, прогностик жиҳатдан ноқулай омилларни баҳолашдан иборат. СБК билан оғриган беморларни скрининг пайтида аниқлаш, албуминурия ва қондаги креатинин учун сийдик таҳлиллари, шунингдек, эрта ташхислаш ва ривожланишининг олдини олиш учун КФТни ҳисоблаш кабилар амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Семизлик мавжуд беморларда СБКнинг ташхиси ва прогнозини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижаларидан олинган натижалар асосида:

Семизликда сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг прогностик белгисини аниқлаш бўйича “Семизлик сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг прогностик белгиси сифатида” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 8н-р/1333-сонли маълумотномаси) номли услубий тавсияномаси тасдиқланган. Ушбу услубий тавсиянома соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинлари даражасида семиз беморларда СБК ривожланиши ва авж олишининг хавф омилларини аниқлаш имконини берган;

Ўзбекистон аҳолисида СБК ривожланишида семиришнинг диагностикаси ва прогностик аҳамиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига,

хусусан, Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент шаҳри 2-сонли Республика клиник шифохонасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тиббиёт бош бошқармаси хузуридаги 1-сонли марказий маслаҳат-диагностика поликлиникаси амалиётига (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-з / 23-сонли хулосаси) фаолиятига жорий этилди.

Тадқиқот натижаларини амалий соғлиқни сақлаш фаолиятига тадбиқ этиш семириб кетган беморларда СБКни ўз вақтида ва эрта ташхислаш имконини берган. Ишлаб чиқилган компьютер дастуридан фойдаланиш семириш билан боғлиқ асоратларни камайтиради, бу эса беморларнинг диализгача бўлган ҳаётининг сифати ва давомийлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, унинг тематик тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ҳамда амалий аҳамияти, ҳимоя қилиш учун тақдим этилган асосий қоидалар, натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш, олинган натижаларнинг апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **биринчи бобида** (адабиёт шарҳи) ўрганилаётган мавзунинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинган, турли муаллифларнинг маълумотлари таҳлили тақдим этилган, семизлик ва СБК билан оғриган беморлар ташхиси, ҳамда қиёсий ташхис бўйича етарли маълумотларни ўз ичига олган.

Тадқиқотнинг **иккинчи бобида** ("Тадқиқот материали ва усуллари") диссертация ишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, уларни танлаш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ва асосланган. Тадқиқот кузатишнинг бир неча босқичларида амалга оширилди. Биринчи босқичда 366 нафар семиз бемор текширилди, ва 1-3 даражали алиментар-конституциявий семизлик ҳамда 1-3 босқичдаги СБК билан оғриган 55 нафар беморлар танлаб олинди ва қиёсий таҳлил учун 55 нафар 1 даража СБКсиз семиз беморларнинг иккинчи

гуруҳи, шунингдек кейинги босқичда, ихтиёрий розилиги билан, 110 семиз беморлар текширилди.

Биринчи босқичнинг асосий вазифалари: семизлик мавжуд беморларда СБКни аниқлаш, эрта ташхислаш ва олдини олиш учун унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш билан кузатилган шахсларни клиник ва лаборатор текширувдан ўтказиш. Тадқиқотнинг иккинчи ва учинчи босқичларида олинган натижалар уларнинг башоратли аҳамиятини аниқлаш учун назорат қилинди.

Ишнинг асосини 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган 110 кишининг, шу жумладан 19% аёллар (n=23) ва 80,9% эркекларнинг (n=87) клиник таҳлил натижалари ташкил этди. Иштирокчиларнинг ўртача ёши $41 \pm 2,7$ ёш бўлиб. Жинс ва ёш бўйича тақсимоти 1-жадвалда келтирилган.

Йлмий ишда қуйидаги гуруҳлар шакллантирилди: 1-гуруҳ 1-3 босқич семизлик (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезонлари) ва 1-3 босқич СБК бўлган 55 бемордан иборат; 2-гуруҳ СБК бўлмаган 1-даражали семизлик мавжуд 55 нафар бемордан иборат бўлди. Назорат гуруҳи ТВИ < 30 кг/м², аёлларда бел айланаси (БА) < 80 см, эркекларда < 94 см (ўртача ёши $40,3 \pm 3,23$ йил) бўлган 20 нафар амалда соғлом иштирокчилардан иборат эди.

1-жадвал

Беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимоти (n=110)

Жинс	1 – гуруҳ. СБК ва семизлиги бор беморлар (n=55)			2 – гуруҳ. СБК бўлмаган семиз беморлар (n=55)		
	абс.	%	Ёш	абс.	%	Ёш
Эркеклар	43	78,2	$38,1 \pm 1,4$	44	80,0	$40,2 \pm 1,7$
Аёллар	12	21,8	$43,6 \pm 1,6$	11	20,0	$39,8 \pm 1,6$

Барча беморларни клиник кўриқдан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олди: беморларни ўрганиш учун ишлаб чиқилган сўровномалар бўйича клиник анамнезни йиғиш орқали амбулатор беморларни таҳлил қилиш, жумладан:

1. Беморнинг паспорт маълумотларини, шикоятларини, анамнезини йиғиш;
2. Антропометрик кўрсаткичларни ўлчаш, барча тана тизимларини текшириш билан клиник объектив текширув ўтказиш;
3. Беморларнинг умумий ҳолатини баҳолаш, қон босимини ўлчаш;
4. Ҳар бир пробанднинг насл-насабини тузиш.

Буйрақларнинг филтрация функциясини баҳолаш учун зардобдаги креатинин ва мочевина концентрацияси, микроалбуминурия даражаси, буйрақларнинг ултратовуш текшируви ва тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш ўтказилди. КФТни ҳисоблаш СКD-EPI (Chronic Kidney Disease Epidemiology Collaboration) мл/мин/1,73 м² (2011) формуласи ёрдамида ўтказилди. Ушбу формула креатинин даражасига асосланган: $141 \times \text{мин}(\text{СКр/к}, 1)^\alpha \times \text{макс}(\text{СКр/к}, 1) - 1,209 \times 0,993$ Ёш [аёллар учун $\times 1,018$]

[эркаклар учун $\times 1,159$], бу ерда СКр зардобдаги креатинин концентрацияси (мг/дл), κ - аёллар учун 0,7 ва эркаклар учун 0,9, α - коэффициенти аёллар учун -0,329 ва эркаклар учун -0,411, мин - СКр/ κ ёки 1 нинг минимал қиймати, мах - СКр/ κ ёки 1 нинг максимал қиймати (<http://нефросовет.ру/> веб-сайтидаги онлайн калкулятор фойдаланилган).

Буйраклар ва сийдик пуфаги ултратовуш текширувида буйраклар ҳажми, паренхимаси қалинлиги, сийдик пуфагидаги қолдиқ сийдик миқдори ўлчанади кисталар, тошлар мавжудлиги ва ҳажми баҳоланди.

Статистик тадқиқотлар стандарт клиник кўрсатмалар асосида амалга оширилди. Миқдорий маълумотлар нормал тақсимотда ўртача арифметик (М) \pm стандарт хато (м) кўринишида ва бошқа тақсимотлар учун медиана (Мд) ва кватил (К) ёки (СД) сифатида тақдим этилди. Қайта ишлаш усуллари ўзгарувчанлик статистикасининг стандарт усулларида (воситаларни ҳисоблаш, ўртача қийматнинг стандарт хатоси, стандарт оғиш, Студент т-меъзони) ва параметрик бўлмаган Манн-Уитни тестидан фойдаланишни ўз ичига олди.

Тадқиқотнинг учинчи бобида ("**Семизлик ва сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари**") тадқиқотимиз натижалари баён этилган. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатдики, беморлар узок вақт давомида ўзларининг соғлиғида ўзгаришларни бошдан кечирмайдилар, бу эса нефропротектив терапия имкониятлари тугаганида, СБКни кеч аниқлашга олиб келади. Тадқиқот мақсадига кўра, 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган 110 нафар бемор текширилди. Ҳар икки гуруҳдаги эркаклар умумий сони 87 киши бўлиб, улардан 43 нафари биринчи гуруҳни, иккинчи гуруҳдаги эркаклар сони 44 нафарни, аёлларнинг умумий сони 23 нафарни, шундан биринчи гуруҳдаги 12 нафари аёллар, иккинчи гуруҳда эса 11 нафар аёлларни ташкил этди. Биринчи гуруҳдаги эркакларнинг ўртача ёши $38,1 \pm 1,4$ ёшни, аёлларники эса $43,6 \pm 1,6$ ёшни ташкил этди, иккинчи гуруҳдаги эркакларда бир хил кўрсаткич $40,2 \pm 1,7$ ёшни, аёлларда эса $39 \pm 1,6$ ни ташкил этди. Ортиқча вазн ва семиришнинг мавжудлиги тана вазнининг кг даги бўйнинг квадратига нисбати билан аниқланган ТВИ томонидан баҳоланди (ТВИ = тана вазни (кг) / бўй² (м²)). ТВИ қиймати 25 кг/м² дан тана вазнининг ортиқча бўлиши сифатида қабул қилинади, ТВИ 30 кг / м² дан ортиқ бўлса семизлик мавжудлигини кўрсатади. Ортиқча ёғ тўқималарининг даражаси ТВИ (ВОЗ, 1997) семириш таснифи бўйича баҳоланди. Беморларнинг кўп ҳолатлари (100) иккала гуруҳдаги семизлик даражаси билан ифодаланади, бунда беморларда ТВИ 30,0-34,9 оралиғида эди. Текширилган беморлар орасида семириш даражаси бўйича таҳлил ўтказилди (2-жадвал). Биринчи гуруҳда семириш даражаси 45 ҳолат, иккинчи гуруҳда 55 ҳолат, II даражали семириш биринчи гуруҳда 9 ҳолат, иккинчи гуруҳда бундай ҳолатлар кузатилмади, III гуруҳда семириш даражаси биринчи гуруҳда 1 та ҳолат билан ифодаланган, иккинчи гуруҳда қайд этилмаган. Семириш даражаси бўйича тақсимот 2-жадвалда келтирилган.

Беморларни семизлик даражаси бўйича тақсимооти

Семириш даражаси	1 – гуруҳ. СБК ва семизлиги бор беморлар (n=55)		2 – гуруҳ . СБК бўлмаган семиз беморлар (n=55)		P
	абс.	%	абс.	%	
I ст.	45	81,8±5,2	55	100,0±0,0	<0,01
II ст.	9	16,4±5,0	0	0,0	<0,01
III ст.	1	1,8±1,8	0	0,0	>0,05

Ўрганилаётган беморларнинг клиник шикоятлари таҳлили тақдим этилди, шунинг учун икки гуруҳда энг кўп учрайдиган шикоят биринчи гуруҳда юриш пайтида нафас қисилиши 12 та ҳолатда - 21,8%, иккинчи гуруҳда 10 ҳолатда - 18,8%; биринчи гуруҳда чарчоқ 29 ҳолатда - 52,7%, ва иккинчи гуруҳда худди шунча кузатилди. Бошқа тез-тез учрайдиган шикоятлардан бош оғриғини таъкидлаш керак, бу биринчи гуруҳда 14 ҳолатда - 25,4%, иккинчи гуруҳда эса худди шу шикоят 9 ҳолатда - 16,36% ва ўнг қовурға остида оғирлик биринчи гуруҳда 11 та ҳолат - 20%, иккинчи 7 ҳолатда - 12,7% мавжуд эди.

Клиник текширув кўрсаткичларини таҳлили 3-жадвалда акс этган. Ҳар икки гуруҳда текширилганда ўртача САБ ва ДАБ ни солиштиришда сезиларли фарқ кузатилмади (3-жадвал). Биринчи гуруҳда ўртача САБ 123,5±0,87 мм.с.у., иккинчи гуруҳда эса 121,2±0,96 мм.с.у. бўлди. Биринчи гуруҳда ўртача ДАБ 79,9±0,64 мм.с.у., иккинчи гуруҳда 77,9±0,84 мм.с.у. эди.

Беморларни клиник текширув кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1 – гуруҳ. СБК ва семизлиги бор беморлар (n=55)	2 – гуруҳ . СБК бўлмаган семиз беморлар (n=55)	P
Систолик артериал босми мм.рт.ст.	123,5 ±0,87	121,2±0,96	P>0,05
Диастолик артериал босми мм.рт.ст.	79,9±0,64	77,9±0,84	P<0,05
Вазн кг	98,7±1,50	93,3±1,03	P<0,05
Бўй см	170,7 ±1,08	165,3±1,84	P<0,05
Тана вазни индекси	35,1±0,37	31,7±0,18	P<0,001
Елка айланаси см	36,9±0,19	35,4±0,14	P<0,001
Бел айланаси см	115,1±0,99	107,3±0,61	P<0,001

Сон айланаси (СА) см	123,2 ±1,33	115,5±0,67	P<0,001
Бел айланаси /Сон айланаси	0,9	0,9	P>0,05
Тери бурмаси қалинлиги (ТБК) см	6,0±0,12	5,4±0,08	P<0,001
Ёғ массаси %	35,0±0,91	31,2±0,61	P<0,01
Висцерал семириш индекси (ВСИ)	14,4±1,29	10,1±0,87	P<0,05

Биринчи гуруҳдаги беморларнинг ўртача вазни 98,7±1,50 кг, иккинчи гуруҳда 93,3±1,03 кг ни ташкил этди. Биринчи гуруҳдаги текширилган беморларда ўртача ўсиш суръати 170,7±1,08 см, иккинчи гуруҳда худди шундай кўрсаткич 165,3±1,84 см дан бир оз пастроқ эди. Биринчи гуруҳдаги ўртача ТВИ қиймати 35,1±0,37, иккинчи гуруҳ 31,7±0,18 ни ташкил этди. Биринчи гуруҳда ўртача елка айланаси 36,9±0,19 см, иккинчи гуруҳда 35,4±0,14 см. Биринчи гуруҳда бел атрофи ўртача 115,1±0,99 см, иккинчи гуруҳда эса 107,3±0,61 см. Биринчи гуруҳда сон ҳажмининг кўрсаткичи 123,2±1,33 см, иккинчи гуруҳда ўртача 115,5±0,67 см. Биринчи ва иккинчи гуруҳларда бел айласининг сон айланасига нисбати 0,9. Биринчи гуруҳда тери бурмалари қалинлиги 6,0±0,12 см, иккинчи гуруҳда 5,4±0,08 см. 2±0,61%. Биринчи гуруҳдаги ўртача ВСИ иккинчи гуруҳда 14,4±1,29, бу кўрсаткич 10,1±0,87 ни ташкил этди. Биринчи гуруҳда ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати 50,7 ни ташкил этди, бу бир неча барабар юқори, минимал қиймати эса 2,4 ни ташкил этди.

СБК ташхисоти буйракларнинг филтратсия қобилияти (функцияси) асосида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўрнатилади: мочевина, креатинин, КФТ, МАУ. Унинг қиймати 4-жадвалда акс эттирилган.

4-жадвал

Беморларни буйрак функцияси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ (n=20)	1 гуруҳ, n=55	2 гуруҳ, n=55
Мочевина ммоль/л	5,7± 0,17	8,8±0,12***	5,8±0,15^^^
Креатинин мкмоль/л	65,4±1,39	120,7±2,18***	72,8±1,5***^^^
КФТ (СКД-ЕРІ, мл/мин/1,73м ²)	111,6±1,29	73,7±1,07***	106,5±1,41**^^^

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончлилиги (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001); ^ - 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончлилиги (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001).

Анъанавий равишда қон биокимёвий таҳлили доирасида кўриб чиқиладиган буйрақларнинг филтрация фаоллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва КФТни ҳисоблаш биринчи гуруҳда мочевина ва креатинин даражасининг семизлик ва СБК билан оғриган беморларнинг, СБК бўлмаган семиз беморларнинг иккинчи гуруҳига нисбатан ошишга мойиллигини аниқлашга имкон берди. Шунга кўра, СБК билан оғриган биринчи гуруҳ беморларида КФТ СБК бўлмаган иккинчи гуруҳга қараганда паст. Буйрақ функцияси кўрсаткичлари қуйидагича тақсимланди. Биринчи гуруҳдаги беморларда мочевина даражаси $8,8 \pm 0,12$ ммол/л ($P < 0,001$) ни ташкил этди, бу иккинчи гуруҳдаги $5,8 \pm 0,15$ ммол/л ($P < 0,001$) кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори ва назорат гуруҳида $5,7 \pm 0,17$ ммол/л ни ташкил этди. Креатинин даражаси биринчи гуруҳда $120,7 \pm 2,18$ ($P < 0,001$) мкмол/л иккинчи гуруҳга нисбатан $72,8 \pm 1,5$ ($P < 0,001$) мкмол/л анча юқори ва назорат гуруҳида $65,4 \pm 1,39$ мкмол/л га тенг эди. Биринчи гуруҳда КФТ кўрсаткичи мос равишда сезиларли даражада паст эди $73,7 \pm 1,07$ мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ($P < 0,001$), иккинчи гуруҳга нисбатан $106,5 \pm 1,41$ мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ($P < 0,001$) ва назорат гуруҳи $111,6 \pm 1,29$ мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$.

Шундай қилиб, семизлик билан оғриган беморларда СБКнинг шаклланишига йўл қўймаслик учун эрта босқичда антропометрик ўлчовларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Амбулатор шароитида СБК ўзига хос бўлмаган белгилар билан ўзини намоён қилиши мумкин, шунинг учун семириш беморлар учун скрининг текширувини тавсия қилиш керак.

Учинчи бобнинг иккинчи қисмида (“Семизлик ва сурункали буйрақ касаллиги билан оғриган беморларнинг генеалогик хусусиятлари”) Иккинчи қисмда беморларнинг насл-насабини генеалогик таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Сўнгги йилларда генетик тадқиқотлар катта аҳамиятга эга бўлди. Мавжуд ва тежамкор усуллардан бири генеалогик таҳлил бўлиб, у кўпинча ирсий хусусиятни башорат қилиш ва ташхислашда муҳим рол ўйнайди; бизнинг ишимизда бу хусусиятлар семириш ва СБК эди. Генеалогик таҳлилни ўтказиш учун беморнинг насл-насабига кўра, "афсона" яратилган. Шу билан бирга, 1-даражали қариндошлари ва бобо-бувиларда буйрақ патологияси мавжудлиги генеалогик таҳлил орқали ўрганилди. Семизлик билан оғриган беморларнинг биринчи даражали қариндошлари (ота-оналари, ака-укалари) 923 нафари буйрақ патологияси мавжудлиги учун генеалогик усулда текширилди, уларнинг маълумотлари 5 ва 6-жадвалларда келтирилган. Иккала ота-она чизиғидан генетик материал иккала ота-онани, баъзан бобо ва бувиларни ўзаро сўроқ қилиш орқали тўпланган. Биз ўзбек миллатига мансуб оилаларни таҳлил қилдик. Бизнинг тадқиқотимизда биринчи гуруҳда оналарда семириш 23 та ҳолат бўлиб, бу 41,81% ни, СБК билан оғриган семизлик 5 та ҳолатда, 5% ни, иккинчи гуруҳдаги беморларда 31 (56%), СБК мос равишда 2 (3,63%) ни ташкил этган. Оталар сони 28 (50,9%), бир ҳолатда СБК билан семириш, бу 1,81% ни ташкил этди, иккинчи гуруҳда мос равишда 21 (38,18%), оталарда эса СБК билан семириш кузатилмади. Биринчи гуруҳнинг бувилари 16 та ҳолат (14,54%), СБК билан семириш 13 (2,72%). Беморларнинг иккинчи гуруҳида бувилар 26 та ҳолатга тўғри келади, бу эса мос равишда 23,63% ни, СБК билан семириш 2 (1,81%). Боболарда биринчи гуруҳдаги семизлик 19

беморда (17,27%), СБК билан семириш 5 (4,54%); иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич мос равишда 25 (22,72%), 2 (1,81%)ни ташкил этди.

5-жадвал

Семизлик ва сурункали буйрак касал билан оғриган беморларнинг 1-гуруҳининг генеалогик кўрсаткичлари (n=55)

Қариндошлар		Семизлик	Семизлик билан СБК
Ота-оналар	Оналар	23(41,81±0,07%)	5(9,09±0,04%)
	Оталар	28(50,9±0,07%)	1(1,81±0,02%)
Бувилар		16(14,54±0,06%)	13(2,72±0,03%)
Боболар		19(17,27±0,06%)	5(4,54±0,04%)
Бемор қариндошлар	Оналар томонидан	61(18,37±0,14%)	9 (2,71±0,06%)
	Оталар томонидан	92(25,69±0,16%)	9(2,51±0,06%)
Касаллик 1 та оила аъзосида мавжуд		5(9,09±0,04%)	3(5,45±0,03%)
Касаллик 2 та оила аъзосида мавжуд		4(7,27±0,04%)	3(5,45±0,03%)
Касаллик 1 та мавжуд >3 оила аъзосида		45(81,8±0,05%)	9(16,36±0,05%)
Ака-укалар		55(42±0,08%)	1(0,78±0,02%)
Бошдан ўтказган оилалар:(всего)		54(98,18±0,02%)	15(27,27±0,06%)
Бошдан ўтказган одамлар: (всего)		256 (37,10±0,25%)	40(5,79±0,17%)


6-жадвал

Сурункали буйрак касал бўлмаган 2-гуруҳдаги семизлик билан беморларнинг генеалогик кўрсаткичлари (n=55)

Қариндошлар		Семизлик	Семизлик билан СБК
Ота-оналар	Оналар	31(56,36±0,07)	2(3,63±0,03)
	Оталар	21(38,18±0,07)	0
Бувилар		26(23,63±0,07)	2(1,81 ±0,03)
Боболар		25(22,72±0,07)	2(1,81±0,03)
Бемор қариндошлар	Оналар томонидан	88(24,04±0,14)	3 (0,81±0,03)
	Оталар томонидан	85(23,03± 0,16)	6(1,62±0,04)
Касаллик 1 та оила аъзосида мавжуд		0	8(14,54±0,05)
Касаллик 2 та оила аъзосида мавжуд		4(7,27±0,04)	0
Касаллик 1 та мавжуд >3 оила аъзосида		51(92,7±0,04)	2(3,63±0,03)
Ака-укалар		56(38,09±0,09)	1(0,68±0,02)
Бошдан ўтказган оилалар:(всего)		55(100)	10(18,18±0,05)
Бошдан ўтказган одамлар: (всего)		299(33,90±0,21)	11(1,24±0,05)

Беморларнинг биринчи гуруҳида ака-ука ва опа-сингиллар сони 55 (42%), бир опа-сингилда СБК билан семириш 0,78%; ўрганилган ака-укаларнинг иккинчи гуруҳида 56 (38,09%), ва бир ҳолатда СБК билан семизлик 0,68% ни ташкил этди. Биринчи гуруҳдаги семизлик билан касалланган оилаларнинг умумий сони 54 та (98,18%), 15 та ҳолатда (27,27%) СБК билан семириш; иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич 55 ҳолат (100%), СБК билан семириш 10 (18,18%). Биринчи гуруҳда семириш билан касалланганларнинг умумий сони 256 та (37,10%); СБК билан семириш 40 та ҳолат (5,79%); иккинчи гуруҳда 299 та ҳолат, бу 33,90% ни ташкил этди, СБК билан семириш мос равишда 11 та ҳолат ва бу 1,24% ни ташкил этди.

Қизиғи шундаки, бизнинг фикримизча, семиз беморларнинг насл-насабида биз аниқлаган мойилликдир. Тасаввур қилиш учун мисол келтирамиз: Бемор Ш.П.нинг насл-насаби, 40 ёш, КТ №17; Ташхис: Алиментар-конституциявий типдаги II даражали семизлик, 2-даражали СБК. Ёндош касаллик: ЎТК. Сурункали калкулёз холецистит. Тизза бўғимлари остеоартропатияси (1-расм). Насл-насадан кўришиб турибдики, беморда семизлик билан оғриган она томонидан ирсий мойиллик бор, она томондан асоратланган - пробанднинг буvisи семизлик билан касалланган.



Изоҳ: ■ семизлик билан оғриган бемор

1-расм. Ш.П.нинг насл-насабидан вакил, 40 ёш.

Соғлом одамларнинг қариндошларига қараганда пробанднинг қариндошларида семиришнинг тез-тез учраб туриши унинг пайдо бўлишида генетик омилларнинг ролини кўрсатиши мумкин. Тадқиқотимиз натижалари пробандлар оилаларида семиришнинг сезиларли даражада тарқалишини кўрсатади.

Наслчилик таҳлили оддий рецессив ёки доминант наслдан-наслга ўтиш сифатида моноген ирсий касалликнинг йўқлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, аҳоли орасида семиришнинг кенг тарқалганлиги, фақат семиришнинг

ривожланишига мойилликнинг наслдан-наслга ўтишини кўрсатади. Пробанддан узокда бўлган қариндошларда семириш ва нефропатия частотасининг пасайиши касалликнинг мултифакториал хусусиятини кўрсатиши мумкин. Бундай касалликлар мултифакториал ёки полигеник деб аталади, чунки уларнинг пайдо бўлиши бутун генлар мажмуасининг таъсири ва ташқи муҳит таъсирига боғлиқ.

Учинчи бобнинг учинчи қисмида (“Семиз беморларда қон зардобадаги лептин миқдорини аниқлаш ва ўзбек аҳолисида сурункали буйрак касаллигининг ривожланишидаги роли”) гормонал ҳолат кўрсаткичлари – лептин, инсулин ва инсулин резистентлиги индекси даражасини солиштириш тавсифланган. Гормонал ҳолат кўрсаткичлари 7-жадвалда келтирилган. Икки гуруҳдаги беморларда глюкоза, умумий холестерин, УХС, ХС-ЗПЛП ва ТГ даражаси назорат гуруҳига қараганда юқори бўлган, энг юқори кўрсаткичлар эса 1-гуруҳда қайд этилган. Беморлар орасида 1-гуруҳда энг юқори ИРИ аниқланди ва инсулин резистентлигини тавсифловчи НОМА индекси юқорилиги қайд этилди. Сийдикнинг эрталабки қисмида албумин концентрацияси 1-гуруҳдаги беморларда бошқа гуруҳларга нисбатан энг юқори эди. СКД-ЭПИ формуласи ёрдамида ҳисобланган КФТ ҳам 1 ва 2 гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан пастроқ бўлган.

7-жадвал

Беморларни гормонал таҳлил кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Маълумотли қийматлари	Назорат гуруҳ (n=20)	1 гуруҳ (n=55)	2 гуруҳ (n=55)
Глюкоза	2,8 – 6,4 ммоль/л	4,5±0,13	5,3±0,04***	4,9±0,04***^^
СРБ	0-5 мг/л	4,5±0,21	6,1±0,2***	5,5±0,18***^
Лептин	3,7-11,1 нг/мл	5,2±0,34	20,13±0,86***	5,9±0,30***^^
Инсулин	2,6-24,9 μ U/ml	7,7±0,53	42,59±1,30***	18,8±0,79***^^
Фибриноген	200 – 400 мг%	3,5±0,15	3,4±0,11	3,8±0,11
НОМА Индекс	$\geq 2,77$	1,5±0,10	9,9±0,31***	3,8±0,21***^

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$); ^ - 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^ - $P < 0,001$).

Лептин концентрацияси 1 ва 2-гуруҳларда (1-гуруҳда -20,12; 5,9 нг/мл) назорат гуруҳига нисбатан (5,2 нг/мл), $p_{K-2,3} < 0,001$) юқори бўлган. СКД-ЕПІ формуласи бўйича КФТ қийматининг ёш ($r = -0,610$; $p < 0,001$), ХС-ЗПЛП ($r = -0,309$; $P < 0,001$), лептин концентрацияси ($r = -0,502$); $p < 0,001$) билан манфий корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

Учинчи бобнинг тўртинчи қисмида (“Ўзбек популяциясидаги семиз беморларда биокимёвий ва гормонал ҳолат ўртасидаги боғлиқликнинг тавсифи”) семиришда СБКнинг прогностик белгилари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш берилган бўлиб, бу касалликнинг оғирлигини баҳолаш, СБК кечишини башоратлаш ва натижаларини аниқлаш учун клиник аҳамиятлидир. Бизнинг тадқиқотимизда семизликдаги СБКнинг белгилари

антропометрик кўрсаткичлар ва клиник ва лаборатор кўрсаткичлари, лептин ва инсулин гормонлари ва инсулин резистентлиги индекси ёрдамида аниқланди.

Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда семизлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун биз семиришда СБКни тавсифловчи белгиларнинг математик таҳлилини ўтказдик.

Корреляция маълумотлари 8-жадвалда келтирилган. СБК билан оғриган семиз беморлар гуруҳида ўрганилаётган омилларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатадиган коэффициентлар олинган. Семиз ва СБК билан оғриган беморлар гуруҳида ўртача ёки юқори даражадаги корреляцияга мос келадиган 70 та коэффициент олинган.

МАУ ва ТВИ ($r = +0,69$) ва лептин ($r = +0,70$) ўртасида бевосита яқин алоқалар аниқланди. Семизлик ва СБК билан оғриган беморлар гуруҳига хос бўлган ёғ массасининг % ($r = +0,59$) ва висцерал семизлик индекси ($r = +0,51$) билан МАУ билан тўғридан-тўғри корреляция аниқланди. КФТ билан ТВИ ($r = -0,71$), лептин билан ($r = -0,71$) ўртасида тескари кучли корреляция, КФТ ва % ёғ массаси ($r = -0,42$) ўртасида ўртача тескари боғлиқлик аниқланди. ЗПЛП ва ТВИ ($r = -0,32$), БА ($r = -0,37$) ва лептин ($r = -0,35$) ўртасида тескари ўртача корреляция аниқланди.

8-жадвал

Семизлик ва сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморлар гуруҳини тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция коэффициентлари

1 гуруҳ	ТВИ	БА	СА	БА/СА	Ёғ массаси %	ВСИ	Лептин
МАУ	0,69	0,45	0,50	0,22	0,59	0,51	0,70
Креатинин	0,36	0,33	0,44	0,30	0,36	0,41	0,57
Мочевина	0,20	0,28	0,31	0,30	0,22	0,33	0,27
КФТ	-0,71	-0,34	-0,39	-0,37	-0,42	-0,21	-0,71
Холестерин	0,34	0,33	0,31	0,30	0,37	0,33	0,36
ЗЮЛП	-0,32	-0,37	-0,27	-0,30	-0,31	-0,31	-0,35
ЗПЛП	0,36	0,30	0,29	0,32	0,35	0,32	0,33
Инсулин	0,35	0,44	0,39	0,30	0,31	0,34	0,39
Глюкоза	0,31	0,35	0,29	0,25	0,30	0,32	0,39
НОМА Индекс	0,34	0,35	0,37	0,31	0,39	0,33	0,42

СБК бўлмаган семиз беморлар гуруҳидаги корреляциялар 9-жадвалда келтирилган. Иккинчи гуруҳда кучсиз ва ўртача боғлиқликлар аниқланган. КФТ ва ТВИ ($r = -0,33$) ўртасидаги ўртача корреляция алоқаси тақдим этилган. МАУ ва ТВИ ($r = +0,29$) ва ВСИ ($r = 0,28$) ўртасида кучсиз ижобий алоқалар аниқланди.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда аниқланган тўғридан-тўғри яқин алоқалар, СБК бор ва СБК бўлмаган семиришни тавсифловчи ушбу белгилар

ўртасидаги ўзаро боғлиқликдан далолат беради. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига асосланган корреляция таҳлили семиз беморларнинг СБК бор ва СБК бўлмаган муносабатларини моделлаштиришга имкон берди. Семиз ва СБК билан оғриган беморларни характерловчи белгилар ўзаро кўпроқ аниқ корреляцияга эга, бу семириш белгиларининг СБК ва кўплаб тизимларнинг ривожланишига таъсири ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатади ва семиришда КБКга конституциявий мойилликка маълум ҳисса қўшади.

9-жадвал

Сурункали буйрак касал бўлмаган семиз беморлар гуруҳини тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция коэффицентлари

2 гуруҳ	ТВИ	БА	СА	БА/СА	Ёғ массаси %	ВСИ	Лептин
МАУ	0,29	0,14	0,22	0,29	0,24	0,28	0,22
Креатинин	0,12	0,19	0,17	0,25	0,24	0,19	0,17
Мочевина	0,23	0,17	0,24	0,125	0,19	0,22	0,11
КФТ	-0,33	-0,12	0,13	-0,23	-0,27	-0,03	-0,08
Холестерин	0,09	0,07	0,07	0,28	0,09	0,06	0,13
ЗЮЛП	-0,03	-0,06	-0,09	-0,28	-0,05	-0,11	-0,09
ЛПЛП	0,26	0,19	0,15	0,17	0,17	0,11	0,10
Инсулин	0,18	0,14	0,07	0,24	0,11	0,07	0,09
Глюкоза	0,16	0,15	0,13	0,05	0,23	0,14	0,13
НОМА Индекс	0,16	0,18	0,21	0,14	0,13	0,12	0,14

Топилган фарқларга, корреляция таҳлили натижаларига ва семиришда СБК патогенетик кўринишларига асосланиб, тадқиқот 10-жадвалда келтирилган семизликдаги СБКнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлган белгиларнинг прогностик аҳамияти ўрганилди. Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатадики, МАУ эндотелиал дисфункциянинг белгиси ва бу ретроспектив таҳлил томонидан тасдиқланган, биринчи гуруҳ беморлари 44-97,7% дан МАУ 43 юқори концентрацияси билан ажралиб туради, бу прогрессив омил 66-18,18% дан 12 таси йўқ эди, χ^2 квадрат=66,818 $p < 0,05$, бу СБК ривожланишининг патогенетик механизмларини ва буйракларнинг функционал ҳолатини бузилиш фаолиятини акс эттиради. Шунингдек, ультратовуш текширувида буйраклар кўрсаткичларининг янада аниқ таркибий ўзгаришлари - буйракларнинг барча ўлчамларининг пасайишидан ҳам далолат беради. Бундан ташқари, СБК билан оғриган беморлар гуруҳида 51-70,58% дан БА/СА нисбати 36 сезиларли даражада юқори бўлган, бу омили бўлмаган беморларнинг улуши билан солиштириганда 59 дан 19 -32,2% χ^2 квадрат 33,266 $P < 0,05$, висцерал семизлик мавжудлигини кўрсатади. СБК

ривожланиши билан буйраклар патологик фаолиятининг кўрсаткичларидан бири мочевина ва креатининнинг кўпайиши бўлиб, бу кўрсаткичлар мавжуд бўлган беморларнинг биринчи гуруҳида, хусусан, мочевина 8,9 ммоль/л дан ортиқ бўлган беморларда аниқроқ намоён бўлади. 46 дан 41 -89,13%, бу омил мавжуд бўлмаган нисбат билан солиштирганда 64 дан 14 -21,87% Хи квадрат = 48,424 $p < 0,05$ ва креатинин ўртача қиймат бўйича 123 мкмоль/л дан ортиқ, мос равишда 48 дан 39 таси -81,25%, 62 дан 16 та омил йўқлиги -25,8 % Хи квадрат = 33,266 $p < 0,05$.

10-жадвал

Сурункали буйрак касаллигини авж олиш омиллари ва уларнинг башоратлашни аҳамияти

Ривожланишнинг прогностик кўрсаткичи (ўртачаси фойдаланилган)	Омил мавжуд бўлганда авж олиши (%)	Омил бўлмаганда авж олиши (%)	Хи квадрат (ишончлилик)	Омил мавжуд бўлганда авж олиш нисбий хавфи
Жинс, эркак	43/87 (49,4%)	12/23 (52,17%)	0,055 (P>0,05)	0,94
Наслий мойиллик	38/44 (86,36%)	17/66 (25,75%)	38,788 (P<0,05)	3,35
Давомийлиги (муддати) 20 йилдан ортиқ семизлик	19/28 (67,85%)	36 /82 (43,9%)	4,791 (P<0,05)	1,54
ВСИ 13,5 дан ортиқ	42/45 (93,3%)	13/65 (20%)	57,200 (P<0,05)	4,6
Ёғ массаси % 32,8%дан ортиқ %	39/48(81,25%)	16/62 (25,8%)	33,266 (P<0,05)	3,14
БА/СА 0,91	36/51 (70,58%)	19/59 (32,2%)	16,122 (P<0,05)	2,19
Мочевина 8,9 ммоль/л дан ортиқ	41/46 (89,13%)	14/64 (21,87%)	48,424 (P<0,05)	4,07
Креатинин 123 мкмоль/л дан ортиқ	39/48 (81,25%)	16/62 (25,8%)	33,266 (P<0,05)	3,14
МАУ 40 мг/сут дан ортиқ	43/44 (97,7%)	12/66 (18,18%)	66,818 (P<0,05)	5,3
Лептин 18,60нг/мл дан ортиқ	41/46 (89,13%)	14/64 (21,87%)	48.424 (P<0,05)	4,07

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот семиз ва СБК билан оғриган беморларда буйракларнинг энг ёмон функционал ҳолати ва СБК бўлмаган семизлик

гуруҳига нисбатан структуравий ва функционал параметрларнинг салбий хусусиятларига эга эканлигини аниқланди.

Топилган фарқларга, корреляция таҳлили натижаларига ва патогенетик кўринишларга асосланиб, тадқиқот давомида семизликдаги СБК белгиларининг прогностик аҳамияти ўрганилди ва натижалар шуни кўрсатдики, СБК ривожланишининг энг муҳим прогностик белгилари барча юқорида тавсифланган кўрсаткичлар ва асосийларидан бири лептиннинг юқори даражаси бўлиб, унинг контсентрацияси СБК билан касалланган гуруҳда иккинчи гуруҳга қараганда 4,07 баравар юқори. Лептин ривожланишининг прогностик кўрсаткичи 46 дан 41 -89,13% ни ташкил этди, бу омил йўқ бўлган беморлар улушига нисбатан 64 дан 14 таси -21,87% Хи квадрат = 48,424 $p < 0,05$. Шундай қилиб, ушбу тадқиқотда семиришда СБК ривожланиши тўғридан-тўғри хавфи МАУ, лептин, инсулин даражаси ва инсулин қаршилиги индекси каби кўрсаткичларга боғлиқлиги кўрсатди.

